

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

РАХМАТОВА САНОБАР НИЗАМОВНА

**ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР КАСАЛЛИКЛАР КЕЧИШИДА УЧРАЙДИГАН
КОГНИТИВ БУЗИЛИШЛАРНИ ЖИНСГА ВА ЁШГА
БОГЛИКЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy
(PhD) on medical sciences**

Рахматова Санобар Низамовна

Цереброваскуляр касалликлар кечишида учрайдиган когнитив
бузилишларни жинсга ва ёшга боғлиқлигининг узига хослиги..... 3

Рахматова Санобар Низамовна

Особенности и динамика когнитивных расстройств сосудистого генеза
в аспекте полового диморфизма 23

Rahmatova Sanobar Nizamovna

Features and dynamics of cognitive disorders of vascular genesis in the
aspect of sexual dimorphism..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

РАХМАТОВА САНОБАР НИЗАМОВНА

**ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР КАСАЛЛИКЛАР КЕЧИШИДА УЧРАЙДИГАН
КОГНИТИВ БУЗИЛИШЛАРНИ ЖИНСГА ВА ЁШГА
БОГЛИКЛИГИНИНГ УЗИГА ХОСЛИГИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib400 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Аликулова Нигора Абдукадировна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мирджураев Элбек Миршавкатович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Садикова Гулчехра Кабуловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарканд тиббиёт институти**

Диссертация химояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат__даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51-уй.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Цереброваскуляр касалликлар (ЦВК) мия инсулти ва сурункали мия ишемияси (дисциркулятор энцефалопатия)ни ўз ичига олувчи, ахолининг ўлими ва ногиронлигига олиб келувчи касалликнинг етакчи сабабларидан бўлиб, муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммодир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертлари маълумотларига кўра, дунёда ҳар йил 15 млн. инсулт қайд қилиниб, шулардан 30% и йил давомида вафот этади, 60%дан кўпроғида когнитив бузилишлар кузатилади, бу ўз навбатида ногиронликка олиб келади. ДЭнинг прогрессияланиб боришида учрайдиган когнитив ва ҳаракат бузилишлари (КБ) кўп ҳолларда беморларнинг ижтимоий дезадаптация даражасига қараб белгиланади. Бош мия томир касалликларида когнитив бузилишларнинг ўсиши асосан дисциркулятор энцефалопатия (ДЭ) тарқалишининг ошиши ҳисобидан булиб, «ҳозирги кунда дунё буйича 24.3 миллион инсонлар когнитив ва ҳаракат бузилишларидан азият чекадилар ва бу инсонлар асосан ривожланган давлатларда истикомат қиладилар»¹. Бу касаллик фақатгина бемор турмуш тарзига эмас, балки атрофидаги соғлом инсонлар ижтимоий-маданий, иқтисодий ва турмуш сифатини пасайишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида замонавий жамиятдаги самарали интеллектуал фаолиятга бўлган талабнинг ортиб бориши билан боғлиқ ҳолда, когнитив ва статико-локомотор бузилишлар муаммолигича қолмоқда. Бу борада дисциркулятор энцефалопатия(ДЭ)даги когнитив бузилишларнинг эрта босқичларида беморларни аниқлаш, мия инсулти ва деменция каби асоратларни ҳисобга олган ҳолда, ДЭда хотира, диққат ва интеллектнинг пасайиши каби когнитив бузилишларнинг олдини олиш мақсадида алгоритм ишлаб чиқиш ҳамда касаллик асоратларини олдини олиш, учраш даражаси ва ривожланиш омилларини аниқлаш, касаллик замирида ижтимоий-маиший, нейрпсихологик, нейровегетатив дезадаптацияни бартараф этиш, касаллик келиб чиқишида генетик мойилликни аниқлаш, даволашга замонавий ёндашиш ҳамда беморларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш чораларини белгилаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини самарали тизимини ривожлантириш юзасидан, жумладан аҳолисининг турли қатламлари орасида неврологик касалликларни эрта ташхислаш ва уларнинг асоратларини камайтириш, дисциркулятор энцефалопатияда когнитив бузилишларни аниқлаш ва асоратларининг олдини олиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат курсатиш даражасини янги босқичга кутаришда «...касалликларнинг олдини олиш ва диагностика қилиш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юкори малакали ва сифатли

¹ЖССТнинг 2017 йил февраль ойи расмий маълумотлари // № 369 ахборот бюллетени.

тиббий ёрдам курсатиш»²га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, бош мия қон-томир касалликларини ривожлантирувчи хавф омилларини эрта аниқлаш ва асоратларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, кейинчалик аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам тўлақонлигини ошириш, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, ҳаёт сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Когнитив бузилишлар (КБ) кўп ҳолларда беморларнинг ижтимоий дезадаптация даражасига қараб белгиланади, кўпинча руҳий фаолиятнинг секинлашуви, диққатни жамлашнинг бузилиши, нутқ фаоллигининг пасайиши, ўз фаолиятини режалаштиришга, шакллантиришга ва назорат қилишга қийинчилик сезиш аниқланади. ДЭ ривожланиб борган сари, КБ ошиб боради ва оқибатда томир деменцияси билан тугайди (Mizuguchi M., 2011). ДЭ клиник суратининг ўзаги бўлган ҳаракат ва когнитив бузилишлар билан бирга беморларда эмоционал сферанинг, асосан, астеник ва хавотир-депрессив бузилишлар, ҳамда уйқунинг бузилиши каби белгилар аниқланган (Scheich H., Brechmann A., Brosch M., et al., 2011; Stevenson J., Pimperton H., Kreppner J., et al., 2017; Titz C., Karbach J., 2014).

Когнитив бузилишлар кечишида гипертониянинг роли исботланган (Данилов А.Б, Дамулин И.В., Вейн А.М., 2005;), Енгил когнитив бузилиш (ЕКБ) ва Ўрта оғир когнитив бузилиш (ЎКБ)лар кечишининг хусусиятлари аниқланган (Захаров В.В., 2012) ҳамда кекса инсонлар миясидаги ўзгаришлар, хотира ва диққатда интеллектнинг бузилиши кузатилган (Разумникова О.М. ва ҳаммуаллифлар, 2015). ДЭ босқичлари, касаллик кечиши, даволаш чора тадбирлари ишлаб чиқилган (Гафуров Б.Г., Аликулова Н.А., Халимова Х.М., 2015).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Шундай қилиб, бугунги кунда ДЭда когнитив бузилишлар билан касалланган беморларни даволаш ва ташҳислаш тактикаси замонавий неврологиянинг энг долзарб ва тўлиқ ҳал этилмаган муаммолари сирасига киради. Когнитив бузилишларнинг жинсга боғлиқ ҳолда клинико-неврологик хусусиятларини ва уларнинг неврологик статусини баҳолаш, ЦВК ривожланишидаги асосий этиологик омилларнинг, ДЭ да КБни ташҳислашда нейрпсихологик ўзгаришларни ва даволашда мақбул ёндашувларни ишлаб чиқиш ва деменция ҳолатининг олдини олиш борасидаги вазифаларни ҳал қилиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Цереброваскуляар касалликлар кечишида учрайдиган когнитив бузилишларни жинсга ва ёшга боғлиқлигининг ўзига хослиги» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жинсий диморфизм аспектида сурункали мия ишемияси бор беморларда когнитив бузилишларнинг клинико-неврологик ва нейрпсихологик хусусиятларини, касаллик кечиши ва профилактик чора тадбирларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жинсни ҳисобга олган ҳолда ЦВК бор беморларда касалликнинг клинико-неврологик хусусиятларини ва уларнинг неврологик статусини баҳолаш;

ЦВК ривожланишидаги асосий этиологик омилларнинг (томирлар атеросклерози, гипертония касаллиги, қандли диабет ва хоказо), аҳамиятини беморлар жинсига боғлиқ ҳолда таққослаш;

ЦВКда когнитив бузилишлар даражасини ва уларнинг динамикасини беморлар жинсига боғлиқлигини асослаш;

когнитив бузилишлари бор ЦВКда гормонал статусни жинсий диморфизмга боғлиқ ҳолда таққослаш;

жинсий фарққа асосланган ҳолда касалликнинг профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоят кўп тармоқли клиник касалхонаси ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика касалхонасида 50 ёшдан 74 ёшгача бўлган дисциркулятор энцефалопатиянинг I-II даражасида когнитив бузилишлари бор 298 беморлар ва 58 нафар соғлом кишилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида неврологик статуснинг комплекс текшируви, функционал текширувлар: ультратовушли дуплексли сканирлаш (УТДС), магнит резонанс томографияси (МРТ) ва кон-томир режимидаги компьютер томографияси (КТ) текширув усули натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик, нейрпсихологик тестлар, нейровегетатив сўровномалар, электрофизиологик, ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор жинсий диморфизм ва гендерни ҳисобга олган ҳолда ДЭда когнитив бузилишларнинг сифат-миқдорий фарқи аниқланган;

ДЭ билан касалланган эркак ва аёлларда неврологик, когнитив, психоэмоционал бузилишларнинг клинко-неврологик ва нейрофизиологик хусусиятларининг номуносивблиги аниқланган;

цереброваскуляр касалликлари бор беморларда гендер фарқи хисобга олган ҳолда, миё тўқимасидаги ўзгаришлар когнитив бузилишлар ҳамда статико-локомотор бузилишлар билан муносивблиги исботланган;

ДЭси бор эркак ва аёллардаги когнитив ҳамда, психомотор бузилишларни даволаш ва профилактикасига дифференциал ёндашув неврологик жихатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эркак ва аёл беморларда кон томир генезидаги когнитив бузилишлар клиникасида гендер ва ёшга хос хусусиятларини аниқланган, психовегетатив ҳолатни ўрганилган, Сандра БЭМ нейропсихологик тестларининг ўзгаришлари аҳамияти баҳоланган; бош миё МРТ си УЗДГ тахлили ва корреляциясида, беморларда юзага келадиган асоратларини эрта ташхислаш, касалликни олдини олиш, даво ва профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини оширишган; когнитив бузилишлар даражасини объектив баҳолаш мақсадида MMSE ва Сандра Бэм нейропсихологик тестларини такрорий ўтказиш касаллик деменцияга ўтиб кетишини олдини олиш имконини берган ва асоратларни камайтирган

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги илмий ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тажрибаларнинг замонавийлиги ва услубий жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клинко-неврологик, нейрофизиологик, нейропсихологик текширув натижаларига асосланган ҳолда мўлжалланган вазифалар ечими, яъни тиббий-статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, эркак ва аёл беморларда касалликнинг клинко кечиш хусусиятларини ўрганиш бўйича назарий билим даражасини кенгайтириш имконини беради ва ДЭ си бор беморларда когнитив бузилишлар даражасини аниқлаш, когнитив бузилишлар деменцияга ўтиб кетмаслигини олдини олиш, даволаш, профилактик чора-тадбирларни ўтказиб туришга доир мавзулар бўйича клинко ординаторлар, магистрлар, ва курсантлар учун ўқув дастурлари мазмуни ва тузилишини такомиллаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, дисциркулятор энцефалопатияда когнитив бузилишлар бор беморларни ташхислаш алгоритми ва парвариш қилиш тактикаси ишлаб чиқилган ва амалий тиббий ёрдамга жорий қилинган, бу эса ушбу тоифадаги беморларнинг даволаш натижалари ва ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилади. Бу эса ўз навбатида касалликни ўз вақтида асоратсиз даволаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий килиниши. Цереброваскуляр касалликларда учрайдиган когнитив бузилишлар кечишининг жинсга ва ёшга боғлиқлигини аниқлаш ва такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Цереброваскуляр касалликларни жинсга боғлиқлигини аниқлашда ва оптималлаштирилган давони қўллашда мослаштирилган психологик тест» мавзуси бўйича услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 майдаги № 8н-д/124-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома эркак ва аёлларда дисциркулятор энцефалопатияда когнитив бузилишларни эрта аниқлаш, нейропсихологик тестлар ўтказиш ва профилактик чора тадбирларни мукамаллаштириш имконини яратган бўлиб, дисциркулятор энцефалопатияда когнитив бузилишларнинг эркак ва аёлларда клиник-патогенетик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика касалхонаси ва Бухоро вилояти Когон шаҳри тиббиёт бирлашмаси амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 июлдаги № 8н-з/131-сон маълумотномаси). Натижада дисциркулятор энцефалопатияда когнитив бузилишларни эрта ташхислаш, когнитив бузилишларни деменция холатига утиб кетмаслигини олдини олиш, даволаш самарадорлигини 25% га ошириш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон килиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруратига асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг амалий ва назарий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дисциркулятор энцефалопатиянинг этиопатогенетик, клиник, диагностик ва даволаш масалалари**» деб номланган биринчи бобида дисциркулятор энцефалопатия тўғрисида сўнги

йилларда чоп этилган материаллар акс этган. Шунингдек, дисциркулятор энцефалопатияда когнитив бузилишларнинг таркалиш даражаси, келиб чиқишига сабаб булувчи омиллар, касалликнинг патогенези, клиник кечиши, диагностика усуллари ва даволашга оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дисциркулятор энцефалопатиянинг когнитив бузилишларини баҳолашга оид тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ишда қўлланилган асосий текширув материаллар ва усуллари баён килинган.

Текширишлар дисциркулятор энцефалопатияда когнитив бузилишлари бор беморларни таҳлил қилишга асосланган бўлиб, улар Бухоро вилояти қўп тармоқли тиббиёт марказида 2008-2015 йиллар, Тошкент шаҳар вилоят соматика ихтисослаштирилган касалхонасида, «Star MED», «Федорович» шахсий клиникаларида 2015-2018 йиллар давомида олиб борилди. Бу давр мобайнида дисциркулятор энцефалопатия ташҳиси билан 298 нафар 55 ёшдан 75 ёшгача бўлган беморлар текширилди. Тадқиқотга жалб қилинган беморлар 2 та гуруҳга бўлинди, дисциркулятор энцефалопатиянинг 1-2 босқичи, 1 босқич-98 нафар, 2-босқич-200 нафар, улар яна ўз навбатида 2 та кичкина гуруҳга аёл - 179 нафар ва эркак-119 нафар беморлар таҳлил қилинди. Беморлар орасида клиник текширувларнинг ўзига хослиги, психологик тестлар, вегетатив текширувлар 179 нафар аёл, 119 нафар эркаклар ва 100 нафар практик соғлом инсон орасида олиб борилди. I ва II даражаси билан 50-74 ёшдаги (ўртача ёш $64,7\pm 1$) беморлар текширилди. Текширув ўтказилган беморларда касалликнинг кечиш давомийлиги анамнез ва тиббий хужжатлар асосида 2 йилдан 11 йилгача бўлганлиги аниқланди, бу ўртача $6,1\pm 1$ йилни ташкил қилди. Беморларни текширганда қуйидаги критерияларга асосланildi: ёш 50 дан 74 ёшгача; гипертоник, атеросклеротик, аралаш генезли дисциркулятор энцефалопатияни I-II даражаси; текширув ўтказишга беморнинг розилиги; ўрта ва олий маълумотли бўлиши инobatга олинди.

Қуйидаги беморларда: Дисциркулятор энцефалопатия этиологияси кон-томирга боғлиқ булмаганда; оғир соматик (буйрак, жигар, юрак етишмовчилиги декомпенсация босқичида), рухий, эндокрин, гематологик, онкологик касалликларда; васкулитларда; инсульт ва бош мия травмалари ўтказган беморларда; Марказий нерв системасининг яллиғланиш касалликлари ўтказилган бўлса; охириги 6 ой мобайнида антидепрессантлар ва анксиолитиклар билан даволаниб турган холларда тадқиқот ишлари олиб борилмади.

Олдинга қўйилган вазифа ва мақсадларга мос холда дисциркулятор энцефалопатия билан текширилган беморларни 2 гуруҳга бўлдиқ: 1-гуруҳ-аёллар 179 та (ўртача ёш $64,3\pm 1,0$), 2-гуруҳ-эркаклар 119 та (ўртача ёш $65\pm 1,2$).

1-жадвал. ДЭ билан текширув ўтказилган беморларга умумий тавсифнома ($M\pm m$, авс.,%).

Курсаткичлар	Текширилган умумий беморлар, n=298	I гуруҳ Аёллар, n=179	II гуруҳ Эркаклар, n=119
Ўртача ёш, йил	64,7±1,1	64,3±1,0	65,0±1,2
Касаллик давомийлиги, йил	6,1±0,4	5,9±0,3	6,3±0,4
ДЭ этиологиясига кўра:			
-артериал гипертензия (АГ)	75-25,0	50-27,8	25-21,8
-атеросклероз (АТ)	45-15,0	27-15,3	18-14,6
-АГ ва АТ бирга келиши	180-60,0	103-56,9	77-63,6
ДЭ даражаси:			
-ДЭ I даражаси	98-32,5	75-41,7	23-18,7
-ДЭ II даражаси	200-67,5	103-58,3	97-81,3
Кечиш характери:			
-стабил (кризсиз)	175-58,3	97-54,1	78-64,6
-кризли	96-32,5	71-40,3	25-20,8
-секин ривожланувчи	12-4,2	5-2,8	7-6,3
-тез ривожланувчи	15-5,0	5-2,8	10-8,3

Изох: *-аёл ва эркаклар орасидаги фарк (*p<0,05; **p<0,01).


1-жадвалдан кўришиб турибдики, гуруҳлар орасида ёшга нисбатан, касалликнинг кечиш давомийлиги, ДЭ этиологик омиллари, маълумоти ва меҳнат статуси жихатидан ишончли фарк аниқланмади. ДЭ I даражаси билан текширув олиб борилган беморларнинг аёллар устунлик килган бўлса, II даражасида эркакларда нисбатан кўп кузатилди. Бу ҳолат эркакларда касаллик аломатлари яшаш тарзига таъсир килгандан сўнгина шифокорга кеч мурожаат килиши билан боғлиқ булиши мумкин, ДЭ нинг кечиши кўпгина беморларда нисбатан стабил кечиши кузатилди. Анамнезида гипертоник кризлар ва бош миёда қон айланишнинг ўткинчи бузилишлари бўлганлиги эркакларга нисбатан аёлларда кўп аниқланди. Бу ҳолатни кекса ёшдаги аёлларда кўпгина патологик жараёнларни пароксизмал кечишга мойиллиги юқори бўлиши билан боғлаш мумкин. Беморларда мувозонат, юриш ва нозик ҳаракатлар бузилишлари аниқлашда Tinetti шкаласи ва Denckla усулларида фойдаланилди. Когнитив бузилишларни оғирлик даражаси руҳий статусни баҳолашни қисқа шкаласи – MMSE билан баҳоланди. Юқоридагилар билан бир каторда, беморларда диққат-эътибор (Шульте синамаси) , «сўз югуриги» (вербал ассоциация тести) хотира («5 та сўз тести») ва курув-фазо функцияси (соат чизиш тести) ҳам текширилди. Енгил когнитив бузилишлар ва ўрта оғирликдаги когнитив

бузилишлар умумий қабул қилинган критериялар асосида аниқланди. Астеник узғаришлар MFI-20 шкаласи ёрдамида, хавотир ва депрессия 10-ХКТ мезонлари буйича, инсомнияни эса 2005 йилда қабул қилинган уйқунинг халқаро классификациясига (ICDS-2) асосан аниқланди. Хавотир даражаси Спилберг шкаласи ёрдамида, уйқу сифати – Россия федерал Сомнология маркази анкетаси ёрдамида, SF-36 когнитив бузилишларда ҳаёт тарзи сифатини, қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида ўтказилди. Жинс ва гендерни аниқлаш мақсадида Сандра Бэм (Sandra Lipses Bem 1974) психологик жинсни аниқлаш мақсадида ўтказилди, психологик жинсни аниқлашда маскулинлик, фемининлик, андрогининликни ДЭ да когнитив бузилишлари бор беморларда ва олий маълумотга эга соғлом кишиларда ўтказилди. Юқорида айтилган тестлар орқали когнитив бузилишлар деменция даражасига ўтиб кетмаслигини олди олиниб, бемор аҳволи ўзаро баҳоланди. Церебрал гемодинамика ҳолатига баҳо бериш мақсадида ультратовуш доплерография (УТДГ) + бош миё магистрал қон-томирларини рангли дуплексли сканирлаш ва транскраниал доплерография (ТКДГ) текшириш усулларидан фойдаланилди. Транскраниал доплерография текшириш усули EPIQ-7G аппарати ёрдамида ўтказилди.

Нейровизуализация текширишлар магнит майдони кучи 1 ва 1,5 Тесла булган магнит резонанс томографияда ўтказилди. Бош миё МРТ текширувида асосан лейкоареоз локализацияси ва даражаси (Mantyla R. 5 баллик шкаласи ёрдамида, 1997); ишемик ўчоқлар сони, ўлчови ва жойлашган ўрни; ташки ва ички атрофия борлиги (бош миё пустлоги эгатлари ва ён қоринчалар қенгайиши); қеракли қесмаларда миё қоринчалари ўлчами текширилди, ҳамда миё қоринчалари нисбий қатталиги ҳисобланди: олдинги шох индекси ва ён шохлар танаси индекси.

Диссертациянинг «Дисциркулятор энцефалопатияси мавжуд эркак ва аёлларнинг қасалликнинг қийсий клиник тавсифи» Асосий субъектив симптом ва синдромларнинг қийсий таҳлили ДЭси бор эркак ва аёлларда субъектив симптомларнинг намоён бўлиши (абс., %)1-диаграмма

АЁЛ ВА ЭРКАКЛАРДА НЕВРОЛОГИК СУБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАР УЧРАШ ЧАСТОТАСИ (%)



Изоҳ: * – ёш меъёрлари бўйича таққослангандаги фарқ. (** $p < 0,05$; * $p < 0,01$)

Изоҳ. Ҳозирги ва кейинги жадвал ва расмларда: - ДЭ I ва II босқич фарқи (* $p < 0,05$; ** $p < 0,01$).

1-диаграммада келтирилган маълумотларга асосан, ДЭ билан текширилган беморлар аҳволига ва фаоллигига салбий таъсир қиладиган асосий шикоятларга бош оғриқ, бош айланиш, бошда ва кулоқда шовқин, юришда нотурғунлик, хотира ва диққатнинг пасайиши кабилар катта ўрин эгаллайди. Астеник (юқори даражада чарчоқлик), вегетатив (об-ҳавога боғлиқлик, дим хоналарда ўзини ёмон сезиш ҳисси) ва уйқунинг бузилиши каби турли хил нохуш туйғуларни бошларидан кечирадilar. Аниқланган шикоятларни ДЭси бор эркак ва аёллар орасида қиёсий таҳлилни ўтказилганда, маълум бир статистик аҳамият касб этадиган жинсга боғлиқ фарқлар аниқланган.

Кердо индекси бўйича юрак-қон томир тизимида вегетатив тонус даражаси ва йўналишининг ўзгаришини баҳолаш натижалари кўра, кундузи тинчликда ДЭси бор эркакларда касалликнинг 1- ва 2-босқичида ҳам парасимпатик тонус ошади, аёлларда эса симпатик тонус фаоллашади, бу аёллар томонидан хавотир ёки хавотир-депрессив бузилишларни бошларидан кечиришларига боғлиқ. Касаллик ривожланиб борган сари аёлларда симпатик, эркакларда эса парасимпатик тонус ошиб борган.

Кердо индексининг моҳияти ва ДЭси бор эркак ва аёлларда юрак-қон томир тизимида вегетатив тонус ўзгаришини аниқлаш частотаси (абс., %, $M \pm m$). 2-3 диаграмма.

Кердонинг вегетатив индекси



■ УМУМИЙ ■ дэ 1 ■ дэ2

Ваготония билан касаллар сони



Статико-локомотор бузилишлар ва нозик моторикани издан чиқишининг қиёсий таҳисоти. ДЭнинг 1-босқичидаги беморларда М.Е. Tinetti шкаласи бўйича аниқ бир жинсий фарқларсиз энгил статико-локомотор бузилишлар аниқланган. 2-босқичда 1-босқичдан фарқли равишда мувозанат ва юришнинг бузилишлари аҳамиятли даражада ошиб борган бунда турғунлик, юриш ва шкаланинг умумий балли эркакларда аёлларга нисбатан баланд бўлган, бундан хулоса шуки, аёл жинсдаги беморларда статико-локомотор бузилишлар яққолроқ намоён бўлади. Аммо, ДЭси бор беморларни ҳаракат координацияси ва нозик моторика бузилишларини балл тизимида баҳолашга шароит яратиб берувчи усул, яъни М.В. Denckla (1985) услуги орқали текширганда, эркак ва аёллар орасида каттароқ фарқни кўрсатди, мувозанат ва юриш бўйича берилган вазифани аёллар эркакларга нисбатан касалликнинг 1-босқичида ҳам, 2-босқичида ҳам ёмонроқ бажарадилар. Бундан ташқари, уларда ҳаракатларни бажараётган вақтда хатоликлар ва қўллар орқали қўшимча ҳаракатларни қилиш ёки йиқилишлар кузатилган.

М.В. Denckla услуги орқали ДЭси бор эркак ва аёлларда нозик моторикани текшириш натижалари (абс., %, $M \pm m$) 4-диаграмма.

M.V.Denckla uslubi orqali DЭси бор эркак ва аёлларда нозик моторикани текшириш натижалари (абс., %, M±m)

Вазифа	Унг томондан		Чап томондан	
	Аёллар (n=72)	Эркаклар (n=48)	Аёллар (n=72)	Эркаклар (n=48)
1. оёқ товони үчи билан үриш: -қўшимча ҳаракатлар бор беморлар сони -бажариш вақти, сония	43-59,7 16,3±0,2	13-27,1** 13,75±0,2**	46-63,9 16,6±0,2	15-31,3** 14,5±0,1**
2. Тиззага қўл кафти билан ўрмоқ: -қўшимча ҳаракатлар бор беморлар сони -бажариш вақти, сония	11-15,3 14,9±0,2	22-45,8** 16,3±0,2**	12-16,7 15,1±0,1	24-50,0** 17,5±0,2**
3. Кўрсаткич бармоқ билан бош бармоқни үриш ҳаракатлар кетма-кетлиги: -қўшимча ҳаракатлар бор беморлар сони -бажариш вақти, сония	30-41,9 14,6±0,2	31-64,6* 16,25±0,2**	32-44,4 14,9±0,2	35-72,9** 17,5±0,2**
2-5 бармоқлар билан бош бармоқни үриш ҳаракатлар кетма-кетлиги: -қўшимча ҳаракатлар бор беморлар сони -бажариш вақти, сония	32-44,4 15,1±0,1	35-72,9** 17,5±0,2**	38-52,8 15,1±0,1	40-83,3** 18,1±0,2**

Изоҳ. – еш меъёрлари бўйича таққослангандаги фарқ. (** p<0,05; * p<0,01)

Когнитив бузилишларнинг қиёсий баҳоланиши

Когнитив сферани ДЭси бор 298 та беморда текширилди (ўртача ёш 63,9±1,5й): 119 эркак (ўртача ёш 64,9±1,5 й.) ва 179 та аёл (ўртача ёш 62,9±1,5й). 1-босқичдаги. Когнитив соҳани умумий баҳолаш -рухий статусни баҳолашни қисқа шкаласи (РСБҚШ) (Mini Mental State Examination - MMSE) шкалаларининг йиғинди бали бўйича ўтказилди. Олинган натижалар (РСБҚШ 24 баллдан паст эмас) текширилган беморларда деменция даражада эмаслигини кўрсатди. ДЭси бор эркак ва аёлларда когнитив бузилишларнинг (КБ) умумий оғирлигини билдирувчи кўрсаткичлар кўрсатилган. Бу расмдан кўриняптики, ДЭнинг 1-босқичида РСБҚШ йиғинди бали бўйича когнитив бузилишлар (КБ)нинг намоён бўлиши эркак ва аёлларда деярли бир хил бўлган, ҳолбуки, ДЭ 2-босқичида бу кўрсаткичлар эркакларда аёлларга нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли равишда юқори бўлган. ДЭнинг 2-босқичида 1-босқичига нисбатан таққосланганда, КБ ларнинг намоён бўлиши РСБҚШ йиғинди балли бўйича эркакларда ҳам, аёлларда ҳам аҳамиятли даражада юқори бўлган. Диққатни ва нутқ равонлигини текшириш. Шульц синамаси, “нутқ равонлиги” субтести ва вербал ассоциация тестлари орқали диққат ва нутқ равонлигининг кўрсаткичлари натижалари жадвалда кўрсатиб ўтилган.

2-жадвал.

ДЭси бор эркак ва аёлларда диққат ва нутқ равонлигининг кўрсаткичлари (M±m).

Нейропсихолог ик тест	Текширилган гуруҳлар					
	ДЭ умумий (n=88)		ДЭ I босқич (n=29)		ДЭ II босқич (n=59)	
	Эркак n=36	аёл n=52	эркак n=7	аёл n=22	эркак n=29	аёл n=30
Шульте синамаси, сония	56,8±1,1	52,7±1,0* *	51,6±2, 4	50,0±1,6	58,1±1,1	54,8±1,2 *
ПДАБТ субтест «нутқ равонлиги», баллар	1,7±0,1	1,8±0,1	1,7±0,3	1,8±0,2	1,7±0,1	1,9±0,1
Литерал ассоциациялар, 1 дақ.сўзлар сони	12,9±0,4	13,1±0,3	14,7±0, 8	13,8±0,4	12,4±0,5	12,7±0,5
Категориал ассоциациялар, 1 дақ.сўзлар сони	15,5±0,4	15,8±0,3	16,7±0, 6	16,2±0,3 5	15,2±0,4	15,5±0,5

Жадвалга кўра, Шульте синамасини ўтказиш вақти эркакларда аёлларга нисбатан юқори. 2-босқичдаги ДЭси бор беморлар Шульте синами бўйича тестдан ўтказилганда, ҳам эркаклар ҳам аёллар ёмон натижага эга бўлганлар, бу эса цереброваскуляр етишмовчилик ривожланиб борган сари беморларнинг тезкор реакцияси ва диққатни бир жойга жамлаш қобилияти пасайиб боради. “нутқ равонлиги” субтестида ва литерал ва категориал вербал ассоциациялар кўрсаткичлари текширилган беморларда паст бўлган, аммо эркаклар ва аёллар орасида деярли фарқ кузатилмаган.

Хотирани текшириш. “Хотира” РСБҚШ субтестидан (3та сўзни эсламоқ) ва “5 та сўз” тестидан фойдаланилди. Жадвал маълумотларига кўра, “хотира” РСБҚШ субтести бўйича ўртача балл эркакларга аҳамиятли даражада паст бўлган, айниқса, ДЭнинг 2-босқичида, аммо ҳам эркакларда, ҳам аёлларда 1-босқичдан 2-босқичга ўтишда статистик жиҳатдан камайиб борган. “5 та сўз” тестида ҳам бевосита, ҳам кечиктирилган ҳолда айтиб беришда (интерферирловчи вазифадан кейин) 1- ва 2-босқичдаги ДЭси бор эркаклар аёлларга нисбатан кам сўз айтганлар. Касаллик ривожланиб борган сари, тест натижалари ҳам ёмонлашиб борган. “5 та сўз” тестида семантик йўл-йўриқ кўрсатмоқ (подсказка) кечиктирилган ҳолда айтиб бериш кўрсаткичларини ижобий томонга олиб борган.

3-жадвал. Эркак ва аёлларда хотира курсаткичлари (M±m).

Нейропсихолог тест	Текширилган гуруҳлар		
	ДЭ умумий	ДЭ I босқич	ДЭ II босқич

		(n=88)		(n=29)		(n=59)	
		Эркак n=36	аёл n=52 *	эркак n=7	аёл n=22	эркак n=29	аёл n=30 *
“Хотира” КШОПС субтести		1,9±0,1	2,5±0,1* *	2,7±0,2	2,7±0,1	1,7±0,1	2,3±0,1* *
“5 та сўз” тест и	-бевосита айтиб бериш	3,7±0,1	4,4±0,1* *	4,9±0,3	4,6±0,1*	3,6±0,2	4,2±0,2* *
	- кечиктирилга н ҳолда айтиб беришда	3,3±0,2	4,0±0,1* *	3,1±0,3	4,3±0,2* *	3,3±0,2	3,8±0,2* *
Йиғинди балл:		6,9±0,3	8,5±0,2* *	7,1±0,6	9,2±0,2*	6,9±0,3	8,0±0,3* *

Кўрув-фазо, макон фаолиятни текшириш. Кўрув-макон фаолиятининг бузилиши (соатларни чизиш тести) аёлларда, эркакларга нисбатан яққолроқ намоён бўлган, айниқса, касалликнинг 2-босқичида. ДЭда беморларни нейропсихологик тестдан ўтказилган натижаларини додемент бузилишларнинг замонавий кўрсаткичлари билан таққосланилди когнитив бузилишлар структурасида эркакларда ўрта огирликдаги когнитив бузилишлар (ЎКБ) устунлик қилган, аёлларда эса енгил даражадаги когнитив бузилишлар (ЕКБ) устунлик қилди. ДЭнинг 2-босқичида 1-босқичидан фарқли равишда ЎКБ бор беморлар орасида аёлларга нисбатан эркакларда ошди. Шундай қилиб, нейропсихологик тест натижаларига кўра, ДЭси бор эркаклар аёлларга нисбатан диққат ва вербал хотирани тестдан ўтказганда, нисбатан паст натижаларни кўрсатдилар, аёллар эса эркаклардан фарқли равишда кўрув-макон фаолияти кўрсаткичларининг ёмонлиги билан ажралиб турдилар. Бундан ташқари, эркакларда аёлларга нисбатан кўпроқ ЎКБ аниқланган. Бошқа олимлар маълумотларига кўра, томир деменцияси аёлларга нисбатан эркакларда кўпроқ учрайди, айниқса, 75 ёшгача бўлган беморларда. Эҳтимол, бундай қонуният томир когнитив бузилишларининг додемент шакллари ва асосан, кучсиз когнитив ўзгаришлар синдроми учун ҳам характерли. Буни эҳтимол, эркакларнинг шифокорга кечроқ, яъни уларнинг когнитив бузилишлари ҳаёт сифатини ёмонлашишига олиб келишида мурожаат қилиши билан тушунтириш мумкин. ДЭси бор турли жинс вакилларида КБ характеридаги фарқ бош мияда морфофункционал шаклланишнинг бошланғич хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин, шундан келиб чиққан ҳолда, эркаклар азалдан аёллардан кўра, кўрув-макон фаолияти бўйича устунликка эга, аёллар эса нутқ ва вербал хотира бўйича маълум устунликларга эгадирлар. ДЭси бор эркакларда яққол намоён бўлган КБ билан бирга аёлларга нисбатан пастроқ вербал хотира ва диққатга эга эканлиги асосан, чап ярим шар (нутқ) ва бош мия моддасида ўчоқли ишемик ўзгаришларни қамраб олувчи ички церебрал атрофияга боғлиқ бўлади. ДЭ клиник суратининг ўзагини ташкил қилган когнитив ва статико-локомотор бузилишлар билан бир қаторда беморларда эмоционал сферада ҳам ўзгаришлар намоён бўлади ва ривожланиб

боради, айниқса, астеник ва хавотир-депрессив каби бузилишлар яққол намоён бўлади. ДЭ билан текширилган беморларда MFI-20 шкаласининг “мотивация, яъни асослаб беришнинг пасайиши”, “психик астения”, “фаолликнинг пасайиши”, “жисмоний астения” ва “умумий астения” бўлимлари бўйича таҳлил қилинди. ДЭси мавжуд аёлларда эркакларга нисбатан касалликнинг 1-босқичида, ҳам 2-босқичида ҳам мотивациянинг пасайиши кўпроқ учради. Фаолликнинг пасайиши ва жисмоний астения ДЭнинг эрта босқичларида эркакларда аниқланди.

MFI-20 шкаласи бўйича ДЭси мавжуд эркак ва аёлларда астения даражаси (балларда, M±m). 6-жадвал

MFI-20 шкаласи-нинг бўлимлари	Текширилганлар гуруҳлари					
	ДЭ (n=298)		ДЭ I босқич (n =98)		ДЭ II босқич (n =200)	
	э (n=119)	а (n=179)	э (n=23)	а (n=75)	Э (n=97)	а (n=103)
Мотивациянинг пасайиши	12,4±0,4	15,2±0,4*	10,4±0,5	13,3±0,5*	12,9±0,4	16,5±0,5*
Психик астения	13,8±0,4	15,4±0,4*	13,0±0,7	13,8±0,5	14,0±0,4	16,6±0,6*
Фаолликнинг пасайиши	14,3±0,4	14,9±0,5	13,3±0,8	12,7±0,6	14,6±0,5	16,5±0,5*
Жисмоний Астения	16,1±0,5	14,7±0,5*	11,7±0,7	13,7±0,8	17,2±0,5	15,4±0,5*
Умумий астения	14,1±0,5	15,4±0,4*	10,9±0,3	13,3±0,5*	14,8±0,5	16,9±0,5*

Шундай қилиб, ДЭ билан текширилган кўпчилик беморлар аниқ бир жинсий фарқга эга бўлган астеник бузилишлар борлиги билан характерланадилар. Бу бузилишларнинг юзага келишини каротид ва вертебробазиляр ҳавзалардаги қўшни қон айланиш территорияси бўлган ўрта соҳаларда жойлашган мия структураларининг дисфункцияси билан боғлайдилар. Шунинг учун ҳам сурункали мия гипоперфузиясида биринчи навбатда шулар азият чекади., инсоннинг жисмоний ва психик фаоллигига салбий таъсири кўрсатиши муҳим аҳамият касб этади. ДЭнинг II босқичидаги аёлларда бемор эркаклардан фарқли равишда депрессия даражаси ва полиморбидлик индекси - ПИ ($r=0,31$ ва $r=0,35$), кўрсатилган ҳолда умумий ва психик астения кўрсаткичларининг корреляцияси аниқланган, бу эса ўз навбатида уларнинг астенизациясига депрессив бузилишлар ва соматик патологияни ўрни катталигини кўрсатади.

5-диаграмма. ДЭси мавжуд эркак ва аёлларда хавотирланиш даражаси (балларда, M±m).

Эркаклар ва аёлларда когнитив бузилишларда хавотир даражасини баҳолаш (%)



